



## ЎЗИНИ-ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Д.М. Кушбаков

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
доценти, ю.ф.б.ф.д.(PhD), доцент, подполковник

В.О. Эгамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15619866>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2025

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2025

Published: 07<sup>th</sup> June 2025

### KEYWORDS

Ўзини-ўзи ўлдириш,  
даража, етказиш, ўзини-ўзи  
ўлдириш даражасига  
етказиш ҳолатлари, суицид,  
сабаб, профилактика,  
ҳорижий тажриба.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ўзини-ўзи ўлдириш  
даражасига етказиш ҳолатлари тушунчаси,  
таснифи, сабаблари ва уларга имкон бераётган  
шарт-шароитларнинг таҳлили, суицид  
ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ва  
профилактикасига доир ҳорижий тажрибалар  
ёритилган.*

Дунёда суицид юзага келишининг бир қанча сабаблари мавжуд, улардан энг асосийлари: жавобгарликдан, жазоданқутулиш; оилавий низолар

(ота-бола, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар); иқтисодий инқирозлар (банкротлик, қарзга ботиб кетиш, ишсизлик); ишдаги (ўқишдаги) муаммолар; бахтсиз (жавобсиз) муҳаббат, эрнинг ёки хотиннинг хиёнати; ҳаётдан қониқмаслик, зеркиш, ўз ўрнини тополмаганлик, ёлғизлик; яқин инсонларидан бирининг ёхуд машхур кумирининг ўлими; руҳий ҳолатнинг бузилиши, руҳий хўрланиш (номусга тегиш, калтаклаш каби жисмоний зўрликлар оқибатида); соғлик билан боғлиқ муаммолар, гиёҳвандлик, алкоголизм; диний фанатизм каби оқибатлар натижасида ўзини ночор, касалманд, ҳеч кимга кераксиздек ҳис этиш ёки ўз оғирлигини яқинларига солишни хоҳламаслик ёхуд ўз шаъни, кадр-қимматини камситилишидан, шарманда бўлишдан, қораланишдан қўрқиб ўзини-ўзи ўлдириш ҳолатлари вужудга келишини кузатиш мумкин.

Бундай сабаблар инсонни руҳий танглик ҳолатига олиб келади-ки, бунда ёлғизлик ҳисси, ваҳима кучайиши, ишончнинг йўқолиши, ҳаётга умидсизлик кайфияти, яшашдан мазмуннинг хиралашиши, ўзига нисбатан баҳолашнинг паст даражага тушиб қолиши кузатилади. Айни пайтда кишининг қисқа муддатда ўзини ўзи бошқариб бўлмайдиган ҳолагга тушиши бошдан кечирилади. Хатарли жиҳати шундаки, шахс ўз бошидан кечириётган муаммолар гирдобига тушиб қолади, ўзини чорасиз сезади, ғам-ғусса, ваҳима уни ҳар томонлама ўраб олади. Ягона чора ўзини-ўзи ҳалок этиш бўлиб туюлади.

Тадқиқотлар натижасига кўра, тиббий нуқтаи назардан ўз жонига қасд қилганларнинг аксариятига руҳий ҳолатнинг кучли бузилиши (депрессия) ташхиси кўйилган. Шунга мувофиқ, Япония давлатида биринчи навбатда бундай ташхис кўйилган бемор билан тегишли даволаш усуллари кўллаш учун биринчи навбатда руҳий ҳолатни нима сабабдан бузилганлигини ўрганиш муҳим саналади<sup>9</sup>.

Тайванда расмий матбаа нашрларида кузатиладиган суицид ҳақидаги ахборотлар ўрнини ортиғи билан тўлдирувчи “сарик” прессадаги суицид ҳақидаги маълумотлар 1998-2006 йиллардаги суицид даражасини ошишига кўмаклашган<sup>1</sup>. Шахсий компьютерлар миқдори эркаклар ўртасидаги суицид даражаси билан ижобий корреляцияни берган<sup>2</sup>.

Хитойда ҳам ОАВ томонидан шиддатли тусолдирилган йирик электрокомпания ходимлари ўртасидагитуркум суицидлар тавсиф этилган.Навбатдаги суициддан кейинги учкун давомида компаниянинг бошқа ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суицид хавфи юқори даражада сақланиб қолган<sup>3</sup>. Японияда ОАВдаги ўз жонига қасд қилувчилар тўғрисидаги ҳисоботлари суицидсони ошишига сабаб бўлиши қайд этилган<sup>4</sup>.

Австралияда эса пойтахт газеталарида берилган маълумотлар ваундан кейин содир этилган эркаклар суициди даражаси ўртасидаалоқадорлик кузатилган<sup>5</sup>. Оғир касалларга мўлжалланганўзини-ўзи бўғишни маслаҳат берувчи “Сўнгги ечим” қўлланмаси чоп этилгандан сўнг Нью-Йоркда ўзини-ўзи бўғганлармиқдори тўрт карра ортган (8 тадан 33 тагача); суицид содирбўлган жойларнинг ¼ да ўша китоб топилган<sup>6</sup>. Тадқиқотлар, машҳурлар томонидан амалга оширилган суицидлар (шоу-бизнес юлдузлари назарда тутилган), “оддийодам” ўлимига нисбатан, тақлидий суицидларни бешбаробарга оширишини кўрсатди.

Ўзини ўзи ўлдириш билан бир қаторда ўзини ўзи қурбон қилиш тушунчаси ҳам мавжуд. Ўзини ўзи қурбон қилиш тушунчаси кўпроқ диний мафкуралар билан боғлиқ бўлиб, бунда ўз жонини дин учун ёхуд уруш пайтида Ватан учун, халқ манфаатларини кўзлаб ўзини-ўзи фидо қилиш (шахид бўлиш) кабилар билан боғлиқ<sup>10</sup>. Тарихга назар ташласак, суициднинг Харакири (Япония) ва Сати (Ҳиндистон) каби шакллари ҳам кузатишимиз мумкин.

Социологик тадқиқотларнинг Forsa (2011) институти ахборотида кўра, ГФР ўқувчиларининг 1/3 қисми потенциал суицидоген омил бўлган кибермоббинг қурбонларидир. Исроиллик ўқувчи қизлар тармоқларорқали амалга оширилган таҳқирларни кўтара олмай ўзлариниденгизга ташлашмоқчи бўлган. Москвадаги катта синфўқувчиларининг ҳар ўн нафардан биттаси “интернет-тахдидларга” дуч келган. Япония, Нидерландия, Англия ваРоссиядаги гуруҳий суицидлар ижтимоий рад этилиш ва бегоналашув натижасидаги оғриқ ва хавотирфонида суицидал хулққўринишларини қидиришбилан боғлиқ<sup>7</sup>.

Ўз жонига қасд қилиш иштиёқидагиларнинг интернетклублари XX аср охирларидан жаҳон бўйлаб оммалашган бўлиб,улар орасида етакчилик Японияга тегишли (аксарият японларнафақат онлайн, балки веб-камера олдида ҳам гуруҳий суицидларни қўллашади).

Ўзини ўзи ўлдирган кўпчилик балоғат ёшида бўлган ўсмирлар кўп ҳолларда айнан

<sup>1</sup>Chen Y.Y., Chen F., Yip P.S. The impact of media reporting of suicide on actual suicides in Taiwan, 2002-05 // J. Epidem. Commun. Health. – 2011. – Vol. 65. – P. 934-940.

<sup>2</sup>Tsai J.F. The media and suicide: evidence based on population data over 9 years in Taiwan // Suicide Life Threat. Behav. – 2010. – Vol. 40, № 1. – P. 81-86.

<sup>3</sup>Stack S. Suicide in the media: A quantitative re-view of studies based on nonfictional stories // Su-icide Life Threat. Behav. – 2005. – Vol. 35, № 2. – P. 121-133.

<sup>4</sup>Ishii K. Measuring mutual causation: effects of suicide news on suicides in Japan // Soc. Sci. Res. – 1991. – Vol. 20. – P. 188-195.

<sup>5</sup>Hassan R. Effects of newspaper stories on the incidence of suicide in Australia: A research note // Austral. NZ J. Psychiatry. – 1995. – Vol. 29. – P. 480-483.

<sup>6</sup>Stack S. Media impacts on suicide: A quantitative review of 293 findings // Soc. Sci. Q. – 2000. – Vol. 81. – P. 957-971.

<sup>7</sup>Katsumata Y., Matsumoto T., Kitani M., Takeshima T. Electronic media use and suicidal ideation in Japanese adolescents // Psychiatry Clin. Neurosci. – 2008. – Vol. 62, № 6. – P. 744-746. Ozawa-De Silva C. Shared death: self, sociality and internet group suicide in Japan // Transcult. Psychiatry. – 2010. – Vol. 47, № 3. – P. 392-418.

ўзларининг ота-онаси, ўқитувчиси, ўртоқлари умуман у билан таниш бўлганлар ўзлари билмаган ҳолда ва хоҳламаган ҳолда жабрланувчига нисбатан раҳмсиз муомалада бўлиб, хўрлашади, натижада иродаси бўш бўлган бола арзимаган нарса сабабли ўзини-ўзи ўлдириши ҳолатлари учраб турмоқда.

Дунё миқёсида ўзини ўзи ўлдириш ҳар кайси мамлакатда деярли бир хил: ўзини осийиб, ёкиш, чўктириш, захарлаш, кислота ичиш, вена томирларини кесиш, ноезд тагига ташлаш, пичок санчиш, баланд бинодан ўзини пастга улоқтириш, тўппонча билан отиш каби усуллари кўп учрайди. Статистик маълумотларга кўра, эркакларга нисбатан аёлларда ўзини-ўзи ўлдиришга уруниш ҳолати кўпроқ учраб, бунда эркаклар кўпроқ ўзини отиш усулини, аёллар эса турли дори-дармон, токсик суюқ моддалар билан ўзини захарлаш усулини қўллайди. Бироқ эркаклар танлаган усуллар ўлим билан яқунланади. Шунингдек, кўпгина суицидчилар ўлим олди ўзларидан сўнгги хат-ёзишмалар, қайдномалар ёзиб қолдиришлари кузатилган<sup>8</sup>.

Сўнги йилларда Осиёнинг ривожланаётган давлатларида ёш

хотин-қизлар томонидан суицид содир этилиши даражаси ўсмоқда. Ҳаёт ва оғир оилавий шароит уларда суицид хулқ-атворини шакллантириб, хусусан эрта турмуш, ёш она, паст ижтимоий мақом, оилавий зўрлик ва иқтисодий қарамлик омиллари бу аёлларда кучли тушкунликни келтириб чиқармоқда. Аксарият руҳшуносларни эътирофича, бундай аёллар “ҳеч ким томонидан тингланмаган” аёллардир.

Ҳуқуқшунос олим Э.Дюркгейм “... ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзини ўзи ўлдиришга фақатгина муайян ўзига хос бўлган жамоа мойиллиги, у эса, ўз навбатида, шахсий мойиллик ўлчамини аниқлайдиган маълум бир хислатга эга”<sup>9</sup> – деб таъкидлайди.

Жамиятда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати ҳар доим оғир гуноҳ ҳисобланиб, қораланган ва ҳаттоки жазоланган. Индивиднинг ўз ҳаётига ихтиёрий равишда қасд қилиш қарори жамиятга, ахлоққа, яратганга қарши қаратилган жиноятми ёки бу унга берилган яшаш ҳуқуқи каби яна бир ҳуқуқ бўлиб, инсон ундан ўз хоҳиш-иродасига кўра фойдаланиши мумкинми деган фикр туғилиши табиий.

Агар дунёда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан турли халқлар томонидан қўлланилган жазо чораларини бир-биридан фарқланишини ҳисобга олмаганда, ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари икки асосий босқичда ўтганлигини кўришимиз мумкин.

**Биринчи босқичда**, шахс ўз хоҳишига кўра, ўзини ўзи ўлдириши тақиқланган. Аммо давлат бунга розилик бериши мумкин бўлган. Демак, маълум бир ҳолатлардагина, жамият томонидан қоралаб келинган ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатларига рухсат берилган Масалан, Афинада ўзини ўзи ўлдиришга Сенат томонидан рухсат берилган, қачонки шахснинг ҳаёти чидаб бўлмайдиган даражада деб баҳоланса ва бу ҳаракат қонуний ҳисобланган. Аксинча, бундай қилмишлар жамоа вакиллари иштирокисиз содир этилса, ахлоқсиз деб топилган.

**Иккинчи босқичда**, қоралаш мутлақ хусусиятга эга ва ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмаган. Инсон ҳаётини идора қилиш имконияти жиноят учун жазо сифатида тайинладиган ўлим жазосидан ташқари нафақат манфаатдор субъектдан, балки бутун бир жамиятдан олиб ташланди.

Жамиятда “ўзини ўзи ўлдириш ҳуқуқи”га доир баҳс-мунозаралар ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Ҳуқуқшунос олим Э.Дюркгеймнинг таъкидлашича, “...ўзини ўзи ўлдириш қораланиши лозим, чунки бундай ҳолат ахлоқимизнинг асоси бўлмиш инсониятнинг шахс маданиятига зид.

Бизга инсон ўзини ўзи ўлдираётган пайтда фақатгина ўзига зарар етказди ва жамият ушбу ҳолатга аралашиши шарт эмас деб айтишади. Бу англишмовчиликдир. Жамият бундай вазиятда ҳақоратланади, чунки жамият аъзоларини боғлаб турувчи ахлоқий

<sup>8</sup> С.С.Ниёзова. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Монография.//Масъул муҳаррир:ю.ф.д.,профессор Г.З.Тулаганова. –Б. 11.

<sup>9</sup>Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - СПб., 1988. - С.24.

аксиомаларга таянган туйғулари ҳақоратланган ҳисобланади.

Инсон ҳаёти шахс ёки гуруҳ томонидан бошқарилмайдиган муқаддас илоҳият деб тан олинган ёки тан олинмиши керак бўлган вақтдан бошлаб ҳаётга қарши қаратилган ҳар қандай қасд тақиқланиши лозим. Мазкур ҳолатда жиноятчи ёки қурбон бўлган шахс ягона инсон эканлиги муҳим аҳамиятга эга эмас. Ижтимоий ёвузлик жиноятчи ўзига жабр қилган тақдирда ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Агарда бизни ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари муқаддас илоҳиятни ҳақоратлаш сингари ғазабни келтирган бўлса, бу ҳолатларга тааллуқли бўлган ҳар қандай кўриниш ёки вазиятларга нисбатан чидаб келишимиз ноўриндир. Бу масалада чекинадиган бўлсак, келажакда жамоа ҳислари ўз кучини йўқотиши мумкин”<sup>10</sup>.

Аммо бу муаммога Э.Дюркгеймдан фарқли ўлароқ ҳуқуқшунос М.И.Ковалёв бошқача тарзда ёндашган. Унинг фикрича, агар инсонга яшаш ҳуқуқи берилган бўлса, у ўлиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши керак. Инсоннинг хоҳишига кўра, ўз жонига қасд қилиш қарори ахлоқ ва юридик жиҳатдан қораланмаслиги лозим. Яшашга бўлган ҳуқуқ ҳар қандай одамнинг табиий ҳуқуқи. У тўғридан-тўғри ҳуқуқий меъёрларда қайд этилмаган бўлсада, шак-шубҳасиз мавжуддир.

Бундан ташқари, инсон яшаш ҳуқуқидан ўз хоҳиш иродасига кўрафойдалана ололмайди, чунки у ўзининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёга келади ва худди шундай дунёни тарк этади. Бироқ туғилиш ва ўлим орасида оқаятган фаол ҳаёт инсон узлуксиз равишда бажариши лозим бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга тўла. Уларнинг асосида ҳар бир инсоннинг ўзидан кейин “ўз ҳаётининг давомчиси бўлган” ворис қолдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат инсон ҳаётининг олий қадрият эканлигини акс эттиради ҳамда у ахлоқ, одоб, қонун нормалари, мажбурлов ва рағбаглантириш тизими билан ҳимоя қилинади. Айнан ҳуқуқий давлатда яшаш ҳуқуқининг шарофати билан фуқаролик жамиятидаги қонун нормаларининг тўлақонли амал қилиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг устуворлиги таъминланади<sup>11</sup>.

Ҳозирги кунда айрим давлатларда ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатини содир этиш тақиқланмаган. Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, амалда ўзини ўзи ўлдириш ҳуқуқи мавжуд деб ҳулоса килиб бўлмайди. Лекин баъзи бир олимлар мазкур ҳуқуқ қонунда акс эттирилиши лозим деб ҳисоблашади.

Бугунги кунда шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ижтимоий хавfli жиноят деб баҳоланиб, унга нисбатан барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Жиноят кодексларида жиний жавобгарлик белгиланган.

Тарихий ривожланиш жараёнида, жамият шаклланишининг тегишли босқичида ва унда ҳукм сурган ижтимоий, мафкуравий ва этномаданий тасаввурларга қараб, инсоннинг ҳаётини ихтиёрий тарк этишининг моҳиятига нисбатан қарашлар ҳам, унга берилган ахлоқий баҳо ҳам (гуноҳ, жиноят, меъёр, қаҳрамонлик) ўзгариб борган.

Қадим замонлардан бошлаб, ўз жонига суиқасд қилишга муносабат, унинг сабаблари ва технологияси у ёки бу жамият, ижтимоий гуруҳ, этник бирлик ёки муайян миллатнинг маданияти ўлим тушунчасини қандай идрок этгани билан узвий боғлиқ бўлган.

Ғарбда “Одам ўлдирма” деган тақиққа асосан ўзини ўзи ўлдиришни расмий даражада одам ўлдириш сифатида эътироф этган Тридент собори қарори (1568-йил)га мувофиқ мустаҳкамланган христианликнинг катъий қоидалари дин ва ҳуқуқда унга қарши ҳаракат бўйича тегишли чораларни Европанинг аксарият давлатларида деярли бир ярим минг йил мобайнида шакллантирган ва жамиятда ўз жонига суиқасд қилган кишиларга бўлган асосий муносабатни белгилаб берган<sup>12</sup>.

<sup>10</sup>Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - СПб., 1988. - С.24.

<sup>11</sup>КовалевМ.И. Права на жизнь и право на смерть//Законность. - М., - 1992. - № 9. - С.68.

<sup>12</sup> Эльмурзаев Д.И. Уголовная ответственность за доведениедо самоубийства. Дисс...канд.юрид.наук. - М..2003. - С. 13.

Шундай килиб, ўз жонига суиқасд қилишга фалсафа ва ҳуқуқ тарихида берилган баҳоларнинг қисқача таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

**1.**Ўз жонига суиқасд қилиш қадим замонлардан бери мавжуд бўлган ижтимоий муаммолардан биридир. Суицид муносабат, унинг сабаблари ва технологияси қадим замонлардан бошлаб, у ёки бу жамият, ижтимоий гуруҳ, этник бирлик ёки муайян миллатнинг маданияти ўлим тушунчасини қандай идрок этгани билан боғлиқ бўлган.

**2.**Жаҳонда айниқса, кенг тарқалган динлар: христианлик, ислом ва буддизмда ўз жонига суиқасд қилиш ахлоққа зид ва худонинг измига қарши бўлган қилмиш сифатида тақиқланади. Бунда, христианлик ва исломнинг кучли таъсири остида, ўрта асрлар феодал қонунчилиги суицидни оғир жиноятлар каторига киритган.

**3.**Орадан узоқ вақт ўтгач, XIX-XX аср бошларига келиб, қонунчиликда ўз жонига суиқасд қилишнинг таркибидан янги жиноят таркиби - ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ажралиб чиқа бошлайди. Вақт ўтиши билан жиноят қонунида ўз жонига суиқасд қилиш учун жиноий жавобгарликдан воз кечилади ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жавобгарлик ўрнатилади.

Бугунги кунда бир қатор давлатларда, жумладан Швеция, Албания, Белгия, Люксембург, Нидерландия, Япония, АҚШнинг айрим штатлари ва бошқа мамлакатларда эвтаназия қонунийлаштирилган (айрим давлатларда эвтаназияни қонунийлаштиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда, жумладан, Чехия, Италия, Австралия, Буюк Британия ва бошқ.). Аммо Ўзбекистон Республикасида эвтаназияга рухсат берилмаган. Шу нуқтаи назардан Республикамизда жабрланувчининг илтимосига кўра (тузалмас дардга йўлиққан касалнинг кимдандир ўзини ўлдиришини илтимос қилиши ва ҳоказо) ўлдирган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

INNOVATIVE  
ACADEMY